

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2023 йил апрель ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Эргашев, судья ёрдамчиси Ш.Йўлдошалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўштепа туман прокурори ёрдамчиси Н.Азимов ва судланувчи Н.Журабоевнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан Журабоев Нурилло Мусаевич (Juraboyev Nurillo Musayevich)га нисбатан 1-1512-2301/84-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Журабоев Нурилло Мусаевич (Juraboyev Nurillo Musayevich) - 1981 йил 12 февралда Қўштепа (Охунбобоев) туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1. жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2011 йил 17 октябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 177-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;

2. жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2013 йил 25 ноябрь кунги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 177-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жазони тўлиқ ўтаган, ишламайди, Қўштепа тумани, Янги дўкон м.ф.й., Б.Марғилоний кўчаси, 31-уйда яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 5 апрель куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувлари тинглаб, томонларнинг музокара нутқлари, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охириги сўзларини эшитиб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК Департаменти Фарғона вилоят бошқармаси ходимлари томонидан 2023 йил



27 март куни валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ва ўтказиш фаолияти билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва уларнинг ноқонуний фаолиятига чек қўйиш мақсадида ўтказилган тезкор тадбирда Журабоев Нурилло Мусаевич яшаш хонадонига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган 1 АҚШ доллари 11.430 сўм 7 тийин бўлган қиймати 45.720.300 сўмлик 4.000 АҚШ долларини махсус харидорга ҳар бир АҚШ долларини 11.450 сўмдан жами 45.800.000 сўмга ўтказган вақтда ушланиб, тадбир якунида 4.000 АҚШ доллари ашёвий далил тариқасида олинган.

АТИБ “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалининг 2023 йил 27 март кунги 19/946-сонли маълумотномасига кўра 2023 йил 27 март кунида 1 АҚШ долларининг сўмга нисбатан қиймати 11.430 сўм 7 тийинни ташкил қилишлиги кўрсатилган.

Судланувчи Н.Журабоев судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 27 март куни соат 12³⁰ ларда Қўштепа тумани Янги дўкон м.ф.й. Б.Марғилоний кўчасида жойлашган яшаш хонадонига ёши тахминан 35-40 лар атрофидаги 2 нафар нотаниш шахслар келиб, улардан бири 4.000 АҚШ доллари кераклигини айтганини, ушбу шахсга 4.000 АҚШ доллари борлигини, ҳар бир АҚШ долларини 11.460 сўмдан сотишини айтганини, у нархидан тушиб беришини сўраганини, унга ҳар бир АҚШ долларини 11.450 сўмдан 4.000 АҚШ долларини 45.800.000 сўмга сотишини айтганини, нотаниш йигитлар рози бўлишганини, улардан пулларни купюрасини сўраганини, 100.000 ва 200.000 сўмлик деб жавоб беришганини, сўнг нотаниш шахслардан 45.800.000 сўм пул маблағларини беришларини, уйга кириб 4.000 АҚШ долларини олиб чиқиб беришини айтганини, улар дарвозахонагача бирга киришларини пулни санаб олишини айтишганини, нотаниш йигитлардан бири у билан дарвозахонагача бирга кирганини, иккинчиси эса автомашинада қолганини, нотаниш йигитдан жами 45.800.000 сўм пул санаб олиб, тўғрилигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг ушбу пулларни уйни ичига ташлаб, 4.000 АҚШ долларини олиб чиқиб, нотаниш йигитга берганини, шу пайт нотаниш шахс АҚШ долларини санаб тўғрилигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг автомашинага кузатиб чиққан вақтида автомашинада ўтирган шериги хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзини Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси ходими эканлигини айтиб таништирганини, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қолган ходимлар икки нафар холислар билан биргаликда келишиб, унга тезкор тадбир ўтказилаётганини эълон қилишиб, бироз олдин 4.000 АҚШ доллари сотиб олиш учун олган 45.800.000 сўм пул маблағларини уйдан олиб чиқиб беришини сўрашганини, ҳаяжонга тушиб қолганлиги сабабли нима бўлаётганлигини тушунмаганини, ходимлар тезкор тадбир ўтказилаётганини, 45.800.000 сўм пул маблағлари тадбирда фойдаланиш учун берилганини тушунтиришганини, ўз ихтиёри билан ушбу пул маблағларини тақдим қилганини, сўнг уни Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармасига тақлиф қилишганини, ўз ихтиёри билан бўлиб ўтган ҳолат юзасидан кўрсатма берганини, ноқонуний равишда валюта олди-сотдиси билан шуғулланиш қонунга хилоф эканлигини билганини, тирикчилик қилиш мақсадида шу ишга қўл урганини, нотаниш йигитга сотган 4.000 АҚШ долларини ўзига нотаниш бўлган шахслардан қайта сотиб даромад олиш мақсадида сотиб олганини,



содир қилган ҳаракатидан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Судланувчининг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир қилганлиги, ўзининг айбига тўлиқ иқрорлик ва чин кўнгилдан пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки терговда тўпланган ва суд муҳокамасида текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини топади, жумладан:

Гувоҳ М.Саидов судда, судланувчини иш юзасидан танишини, унга нисбатан адовати йўқлигини, ҳақиқатдан ҳам 2023 йил 27 март куни ўз ишлари билан Фарғона шаҳрида ҳамкасби О.Баходиров билан юрган вақтда унга нотаниш бўлган кейинчалик танигани Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси ходимлари уларга ўтказиладиган тезкор тадбирда холис сифатида иштирок этишни таклиф қилишганини, ушбу таклифга ўз хоҳиши билан рози бўлганини, ходимлар иштирокида Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси маъмурий биносига боришганини, уларга тадбир ўтказилаётганини эълон қилишиб, тезкор тадбирда махсус харидор сифатида жалб этилган Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси ходими Д.Ахмадалиевга у ва бошқа холис яъни О.Баходировнинг иштирокида тезкор тадбирда фойдаланиш учун ажратилган 100.000 ва 200.000 сўмлик купюрадаги жами 50.000.000 сўм миқдоридаги нақд пул маблағларини тақдим қилишганини, махсус харидор шу куни соат 12³⁰ ларда кейинчалик танигани Н.Журабоев исмли шахс билан учрашиш учун унинг яшаш хонадони олдига боришганини, у ерда махсус харидор ва судланувчи Н.Журабоев учрашишганини, махсус харидор ва Н.Журабоев ўзаро суҳбатлашиб, 1 АҚШ долларини 11.450 сўмдан ҳисоблаган ҳолда 4.000 АҚШ долларини 45.800.000 сўмга сотишга келишишганини, Н.Журабоев махсус харидордан 45.800.000 сўм миқдоридаги пулларни санаб олганини, шунда махсус харидор 4.000 АҚШ долларини олганлиги ҳақида берган ишорасига асосан тезкор тадбир ходимлари уларнинг иштирокида воқеа жойига боришганини, тезкор тадбир ходимлари Н.Журабоевнинг олдига бориб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, ўзларини таништириб, тезкор тадбир ўтказилганини маълум қилишганини, шундан сўнг Н.Журабоевни Департаментнинг Фарғона вилоят бошқармаси маъмурий биносига таклиф қилишганини, бўлим биносига махсус харидор Н.Журабоевдан сотиб олган 4.000 АҚШ долларини уларнинг иштирокида тақдим қилганини, шунингдек сумкадаги пул маблағлари уларнинг иштирокида санокдан ўтказилиб, жами 45.800.000 сўм эканлиги, серия рақамлари солиштирилганида, тезкор тадбир ўтказилишидан олдин махсус харидорга тақдим қилинган пул маблағлари эканлиги аниқланганини, мазкур ҳолат юзасидан Департамент ходимлари томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганини, ушбу ҳужжатларга ўз хоҳиши билан имзо қўйиб берганлиги ҳақида кўрсатма берди.

Бундан ташқари, судланувчи Н.Журабоевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби билдирги (и.в. 3), махсус харидор сифатида жалб қилиш, назоратли харид тадбири учун диктофон ва пул маблағларини тақдим қилиш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган пул маблағларининг нусхалари (и.в. 5-9), воқеа жойини кўздан кечириш ва далилий ашё сифатида олиш ҳақидаги баённома (и.в. 10-12), пул маблағлари ва овоз ёзиш



мосламасини қайтариб олиш ҳақида баённомаси (и.в. 13), стенограмма (и.в. 14), тушинтириш хатлари (и.в. 18-20, 24-29), ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақидаги қарор (и.в. 35), сўроқ баённомалари, маълумотномалар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан тасдиқланди.

Суд, судланувчи Н.Журабоевнинг жиноий ҳаракатини юридик квалификациясини муҳокама қилиб қуйидаги хулосага келади.

Дастлабки тергов органи томонидан Н.Журабоевнинг анча миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда ўтказишдаги жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан қуйидаги асосларга кўра тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 11 сентябрдаги "Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида"ги (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 10-сонли, 2015 йил 13 ноябрдаги 18-сонли, 2016 йил 29 июлдаги 13-сонли, 2016 йил 27 декабрдаги 29-сонли ва 2017 йил 29 ноябрдаги 46-сонли қарорларига асосан киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Қарорининг 4-бандида "Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш деб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу ҳаракатлар содир этилган вақтда валюта қимматликларини ўрнатилган тартибларини бузган ҳолда сотиб олиш, сотиш ёки алмаштириш тушунилиши", 5-бандида "Валюта қимматликларини сақлаш ва ташиш ҳолатлари ўзича валюта қимматликларини ноқонуний олиш ёки ўтказишни ташкил этмаслиги", 7-бандида "Чет эл валютасининг анча, кўп ва жуда кўп миқдорда эканлигини белгилаш масаласини ҳал этиш тергов ва суд органлари ваколатига кириши, улар бу масалани ҳал этишда битимлар амалга оширилган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигига нисбатан курсидан келиб чиқишлари лозимлиги", 14-бандида "Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 401,471-моддаларига мувофиқ ҳукм чиқарилганда ва жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш ҳақида ажрим (қарор) қабул қилинганида ишга қўшилган ашёвий далиллар масаласи тўғри ҳал этилиши кераклиги, бунда эгасининг ёки фойдаланувчининг тасарруфидан ғайриқонуний равишда бегоналаштирилган валюта қимматликлари, қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари тегишлилиги бўйича қайтарилиши лозимлиги" ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси саккизинчи бўлимида анча миқдор атамаси берилган бўлиб, унга кўра - энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида "Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги", ушбу Қарорнинг 3-бандида "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда



индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Н.Журабоевга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, яшаш жойидан ижобий тавсифга эга эканлигини, вояга етмаган фарзандлари борлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, оилавий шароитини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, хусусиятини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан жазо санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жазони ижро қилишни Қўштепа тумани ички ишлар бўлими зиммасига юклашни, унга нисбатан кўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни;

Шунингдек суд, иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, АТИБ “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК Департаменти Фарғона вилояти бошқармаси депозит ҳисобрақамида сақланаётган 4.000 АҚШ долларини давлат даромадига ўтказишни;

Шунингдек, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган бир дона “Leadisk” номли “DVD-R” дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465, 468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Журабоев Нурилло Мусаевич (Juraboyev Nurillo Musayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Н.Журабоевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан сутканинг соат 22⁰⁰ дан 06⁰⁰ га қадар чиқишни чеклашдан иборат 1 йил 6 ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Журабоев Нурилло Мусаевич зиммасига қуйидаги таъқиқ (чеклаш)лар юклансин:

- яшаб турган ҳудуддаги ИИБнинг розилигисиз яшаш ёки иш жойини ўзгартирмаслик;
- Фарғона вилояти ҳудудидан чикмаслик;
- ҳар ойда бир мартаба Қўштепа тумани ИИБдан рўйхатдан ўтиб туриш.



Н.Журабоевга тайинланган жазони ўташ доимий яшаш жойи Қўштепа тумани, Янги дўкон м.ф.й., Б.Марғилоний кўчаси, 31-уйда белгилансин.

Жазо ўташ муддати маҳқум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Қўштепа тумани ИИБ жазони ижро этиш инспекциясига юклатилсин.

Н.Журабоевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олиниб, АТИБ “Ипотека банк” Фарғона вилоят филиалининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК Департаменти Фарғона вилояти бошқармаси депозит ҳисобрақамида сақланаётган 4.000 АҚШ доллари давлат даромадига ўтказилсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига илова қилинган бир дона “Leadisk” номли “DVD-R” диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ушбу ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу суд орқали Фарғона вилоят судига йигирма сутка ичида апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

нусхаси аслига тўғри,
жиноят ишлари бўйича

Қўштепа туман судининг раиси

А.Эргашев

